

СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИ ТАРИХИНИ ЁРИТИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Қосимов Э., ТДПУ доценти

Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган мустамлакачилик даври кўпгина мулоҳаза ва мушоҳада қилишга ундайди. 1917 йил февралда Россия подшоси Николай II ҳокимиятдан воз кечиб, унинг ўрнига кўп партиявийлик асосида мамлакатни бошқариш учун княз Львов бошчилигида Муваққат ҳукумат тузилиши, сиёсий жиҳатдан реакцион мутлақ монархия характериға эға бўлган чоризмда қисқа вақт ичида демократик жараёнлар бошланиши, Феврал инқилобини Россиядаги барча демократик кучлар катта хурсандчилик билан кутиб олиниши, шу жумладан Туркистон ўлкасида ҳам бу жараён кечганлигини ёритишда тарихчилардан ижтимоий - сиёсий жараёнларни кенг илмий таҳлил этиш талаб этади.

Туркистон мухториятининг ағдарилиши, шўроларнинг зўровонликка асосланган сиёсатларидан норози бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари қўлларига курул олиб, истиқлол ҳаракатиға кўтарилдилар. Истиқлол учун кўтарилган курулли ҳаракат мустамлакачилик давридаги халқ - озодлик курашларининг давоми бўлиб, бу ўша вақтдаги “Туркистоннинг озодлиги учун”, “Золимларсиз Туркистон учун!”, “Туркистон - Туркистонликлар учун!” каби сиёсий талабларда тарихий ҳақиқат турганлигини тушунтириш учун илмий, фалсафий, ижтимоий, иқтисодий тадқиқот натижаларининг таҳлили зарур.

Истиқлолчилик ҳаракати уч босқичдан иборат бўлди. Бу босқичларнинг ҳар бириға синфийликдан холис фикрларни билдириш тарихий ҳақиқатни англашға хизмат қилади.

“Ҳарбий коммунизм сиёсати” моҳиятиға кўра йирик саноатниғина эмас, балки ўрта ва майда корхоналарни ҳам давлат тасарруфиға ўтказила бошланиши эди. 1920 йил охириларида Туркистонда 1075 та саноат корхоналар тартиб олиш йўли билан давлат тасарруфиға олинди. Оқибатда, ялпи саноат маҳсулотининг деярли 3/4 қисми давлат секториға тўғри келар эди.

Хусусий ва кооператив мулкчилик ихтиёрида майда ҳунармандчилик ва қосибчилик корхоналаригина қолган бўлиб, улардаги ўртача ёлланма ишчилар сони 4 тадан ошмас эди.

Барча корхоналарда умумий мажбурий меҳнат жорий қилинди. Бу аҳолининг шўроларға қарши жиддий норозилигини келтириб чиқарди. Жамиятда иқтисодиёт қонулар бузилди.

Большевиклар партияси миллий сиёсатнинг ҳар бир тарихий босқичида, шароитдан келиб чиққан ҳолда “социализм”нинг мақсад ва моҳиятини яширишға, мустамлакачилик сиёсатини ошқор қилмасликка ҳаракат қилди.

1925-1941 йиллардаги миллий сиёсатнинг асосий йўналиши ва мақсади миллатларнинг амалдаги тенгсизлигини тугатишға қаратилган бўлиб, бунинг учун миллий республикаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий қолоқлиғиға барҳам бериш вазифаси қўйилди

Индустрияға моддий ресурсларнинг қудратли оқими келиб туриши, хўжалик-бошқарув тузилмалари механизмини ислоҳ қилишға уринишлар, шунингдек тинкани қурутувчи социалистик мусобақалар тизими ва халқнинг зўр бериб қилган меҳнати Ўзбекистон саноати имконияти сезиларли суръатда ошириш имконини берди.

Урушдан кейинги ҳар беш йилликда ўрта ҳисобда 100 га яқин саноат объекти ишға туширилди. 1985 йилға келиб Ўзбекистонда 1500 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш, илмий бирлашмалар, комбинат ва корхоналар бор эди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1940 йилдағиға нисбатан 20 барабардан зиёдроқ ошди.

Мустабид тузумнинг 70 йилдан ошиқ вақт мобайнида давом этган мустамлакачилик сиёсати, республика хом ашё ресурсларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш натижасида табиий мувозанатни издан чиқарди, экологик муаммоларни вужудга келтирди. Айниқса, Орол ва Оролбўйи муаммосини кучайтириб юборди. Ўзбекистонда бу муаммоларнинг пайдо бўлиши мустақиллик сари йўл тутишни тақозо этди.

Адабиёт:

1. Алимова Д.А. Ўзбекистон тарихи. (1917-1991). –Т.: Шарқ, 2000.